тармоқлари, иншоотлари, қурилмалари)га хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини сақлаш ва фойдаланиш юзасидан жавобгарлик чегаралари ҳисобланади:

а) сув истеъмоли учун — коммунал тармоққа уланишни узиб қўювчи кириш қулфи. Кириш қулфи билан ичимлик сувга уланиш, истеъмолчининг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми ҳисобланади;

б) канализация учун — истеъмолчи канализация тизимининг ички қисми ҳисобланувчи, магистрал канализация тармоғига уланиш нуқтасидаги чиқарув қудуғи. Агар чиқарувчи канализация қудуғи (камераси) магистрал канализация тармоғида жойлашган бўлса, ушбу қудуқ ИСКХ ташкилоти коммунал канализация тармоғининг бир қисми ҳисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиғи эса истеъмолчининг маблағи ва воситалари ҳисобидан амалга оширилади.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, келишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда икки томонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ тегишли туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, Қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал қилинади.

## VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнғин, сел, кўчки, жала ва бошқа табиий офатлар) натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичида бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишда огоҳлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўсқинлик қилса, томонлардан бири шартномани бекор қилиш ҳуқуқига эга.

## IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома икки нусхада тузилган бўлиб, икки тарафда бир нусхадан сақланади.

9.2 Шартнома ғазначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31-декабригача амал қилади. Агарда томонлар ўз хохиш ихтиёрлари билан шартномани янгиламаган бўлса ёки тўхтатилмаган ҳолларда ушбу шартнома кейинги даврлар учун ҳам ҳақиқий ҳисобланади.

## X. Тарафларнинг юридик манзили:

**«ТАЪМИНОТЧИ»**

"Наманган сув таъминоти" МЧЖ
Дўстлик бўлими
Манзил: Давлатобод тумани
5-кичик нохия 6-а уй.
Тел: 69-232-36-15
Х/Р: 22638000900306912568.
Банк: "Ипотекабанк" Наманган ш.
МФО: 00223, ИНН: 200048456.
НДС: код № 314010005776,

Раҳбар ____________
М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо)
«5» 01 202_ й.

**«ИСТЕЪМОЛЧИ»**

Yakka kurash sport turlariga ixtisoslashtirilgan bolalar-o'smirlar sport maktabi
Manzil: Namangan shahar, Beruniy soxili ko'cha 8-uy.
SHXV: 1000 2186 0144 0170 8362 0245 003
SHXV: 4001 2186 0144 0170 8362 0245 003
INN: 207 238 396 OKONX: 93145
O'zbekiston Respublikasi Moliya Vazirligi g'aznachiligi
X/R: 2340 2000 3001 0000 1010
XKKM Markaziy bank Toshkent shahar
MFO: 00014 INN: 201 122 919

Банк коди ______ СТИР ______

Раҳбар ____________
М.Ў. (Ф.И.Ш. имзо)
«6» 01 202_2 й.

Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонун талабларига мувофиқ тузилган

Ҳуқуқшунос ____________ «15» 01 202_2 й.

«15» 01 2022 йилдаги № 12 -сонли шартномага илова

**Ичимлик суви**

| Ойлар | Микдори | Сумма | | Ойлар | Микдори | Сумма | | Индексация |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | Сумма |
| Январ | 1462,00 | 5646609,50 | | Июл | 0,00 | 0,00 | | |
| Феврал | 1462,00 | 5646609,50 | | Август | 0,00 | 0,00 | | |
| Март | 1462,00 | 5646609,50 | | Сентябр | 0,00 | 0,00 | | |
| **1-ЧОРАК** | **4386,00** | **16939828,50** | | **3-ЧОРАК** | **0,00** | **0,00** | | |
| Апрел | 0,00 | 0,00 | | Октябр | 0,00 | 0,00 | | |
| Май | 0,00 | 0,00 | | Ноябр | 0,00 | 0,00 | | |
| Июн | 0,00 | 0,00 | | Декабр | 0,00 | 0,00 | | |
| **2-ЧОРАК** | **0,00** | **0,00** | | **4-ЧОРАК** | **0,00** | **0,00** | | |
| **Йиллик** | **16939828,50 сум** | | | **Микдори-** | **4386,00 куб.метр** | | | |

Хизмат курсатувчи: И. Исоков

Истеъмолчи: И.Абдуллаев